

**VAKHOBOV BOTIRALI MIKHAILOVICH**

Namangan State University,  
Senior teacher of the department "Archival Studies"

[botiralivaxobov@gmail.com](mailto:botiralivaxobov@gmail.com)

Uzbekistan

*Received 10<sup>th</sup> November 2021, Accepted 25<sup>th</sup> November 2021, Online 30<sup>st</sup> November 2021*

## **KIPCHAKS IN THE ETHNIC COMPOSITION OF THE UZBEK PEOPLE**

**Abstract.** The article analyzes the time of penetration of ethnographic groups into the Fergana Valley according to the works of various researchers. It can be noted that the role of the valley's ethnographic groups in social, economic and political life was significant during the period under study. Of particular importance is the tribal division of ethnographic groups. The article attempts to highlight the ethnographic groups that make up the Uzbek people on the basis of historical and ethnological data.

**Keywords:** ethnographic group, assimilation process, consolidation, ethnic community, ethnogenesis, Uzbek people, seed, tribe, genealogy, ethnonym, ethnic education, migration process, ethnic history

## **КИПЧАКИ В ЭТНИЧЕСКОМ СОСТАВЕ УЗБЕКСКОГО НАРОДА**

**Аннотация:** В статье анализируется время проникновения этнографических групп в Ферганскую долину по работам различных исследователей. Можно отметить, что роль этнографических групп долины в социальной, экономической и политической жизни была значительной в исследуемый период. Особое значение имеет родо-племенное деление этнографических групп. В статье была предпринята попытка осветить этнографические группы, входящие в состав узбекского народа, на основе историко-этнологических данных.

**Ключевые слова:** этнографическая группа, процесс ассимиляции, консолидация, этническая общность, этногенез, узбекский народ, семья, племя, генеалогия, этноним, этническое образование, миграционный процесс, этническая история

## **ҚИПЧОҚЛАР ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК ТАРКИБИДА**

**Аннотация:** Мақолада Фарғона водийсига қипчоқ этнографик гурухларнинг кириб келиш вақти турли тадқиқчилар асарлари бўйича таҳлил қилинади. Водийдаги этнографик гурухларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни ўрганилаётган даврда сезиларли бўлганини кузатиш мумкин. Этнографик гурухларнинг уруғ- қабилавий бўлиниши алоҳида аҳамиятга эга. Мақолада ўзбек халқи таркибида бўлган этнографик гурухларни тарихий-этнологик маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** этнографик гурух, ассимиляцион жараён, консолидация, этник жамоа, этногенез, ўзбек халқи, уруғ, қабила, генеалогия, этноним, этник шаклланиш, миграцион жараён, этник тарих.

**- Кириш (Introduction).**

XIX асрга келиб Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби узоқ давом этган этник ва миграцион жараёнлар оқибатида анча мураккаб ва ўзига хос кўринишга эга бўлган. Фарғона водийси XIX–XX аср бошларида Марказий Осиё этник тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиши билан бирга маълум даражада ўзига хос этник манзарага эга бўлган, тарихий этнографик худудга айланди.

Ўзбек халқини шаклланишида этнографик гурухлар муҳим ўрин тутади. Шундай этнографик гурухлардан бири қипчоқлар бўлиб, улар ўзбек халқи таркибига кирган муҳим компонетлардан ҳисобланади. Қипчоқлар туркий тилли этнослардан бири сифатида узоқ давом этган этник ва этнослараро жараёнларда ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг шаклланишида фаол иштирок этганлар. Келиб чиқишига кўра, қипчоқлар Жанубий Сибирь ва Шимолий Қозоғистон даштларида қадимги ва ўрта асрлардаги қабилаларга бориб тақалади.

XX асрга қадар қипчоқлар Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва Зарафшон воҳаси худудларида уюшган ҳолда жойлашган эди[25, С.139]. Қипчоқларнинг Фарғона водийси худудига келиб жойлашуви жараёни бир неча асрни ўз ичига олади. Фарғона водийсига қипчоқларинг миграцияси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Қипчоқларнинг маълум бир гурухлари минтақага XIII асрда мўғуллар босқини даврида кириб келиб ўрнашиб, кейинчалик кўчманчи ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб, сингиб кетганилиги таъкидланади.

XVI асрдан бошлаб Мовароуннаҳр худудига Даشت Қипчоқдан кўплаб этнографик гурухлар кўчиб кела бошлаган. Уларнинг орасида қипчоқ, сарой, кўнғирот, юз, найман, манғит, хитойлар йирик гурухлар ҳисобланиб, ҳар бирининг сони 30–50 мингдан то 200 мингтacha бўлган[26, Б.77]. Н.А. Аристов қипчоқларнинг Фарғона водийсига XVI аср бошларида Шайбонийхон қўшинлари таркибида кириб келганлигини таъкидлаган[5, С.432-433].

Фарғона водийси ўзбекларининг сони XVII асрнинг биринчи ярмида қипчоқ қабилалари ҳисобига ўсиб бориб, бу даврга қадар уларнинг катта миқдордаги қисми худудда истиқомат қилган[9, С.45].

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, қипчоқларнинг катта қисми Фарғонага XVIII асрда келиб ўрнашган, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, XVIII асрнинг бошларида жунғорлар таъсирида Қозоғистон худудларидан водийга қипчоқларнинг навбатдаги миграцияси юз берган[17, С.17; 9, С.72]. Ушбу масала билан маҳсус шуғулланган К. Шониёзов бу жараённи янада аниқроқ сана — XVIII асрнинг 20–30-йиллари билан боғлайди. Унинг таъкидлашича, қалмиқлар таъқибидан қочган қипчоқларнинг катта гурухи айни шу даврда Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоголди худудларига келиб жойлашган.

**- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).**

Фарғона водийси қипчоқлари турли даврларда илмий адабиётларда кўплаб тадқиқ этилган. Олимлар У.С. Абдуллаев, С. Абашин, А.А. Аширов, Н.А. Аристов, Т.К. Бейсембиров, В.Р. Винников, С.С. Губаева, И.И. Зарубин, Ш.И. Иноғомов, А.Кун, Р.Н. Набиев, В.П. Наливкин, А.П. Федченко, А.П. Хорошхин ва К.Ш. Шониёзовлар томонидан Фарғона водийси қипчоқлари хусусида турли тадқиқотлар олиб борилган[20, 23, 14, 11, 12, 25, 3, 4, 1, 2, 6].

XIX асрда қипчоқлар Кўқон хонлигига ўз нуфузига кўра, кучли қабила ва гурухга айланиб, хонликнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлаганлар. Қипчоқларнинг бошқа қабилаларга нисбатан моддий ва сиёсий муносабатларда қудрати ортиб боришининг сабаби қипчоқлар хонликнинг ҳарбий қўшинларидағи нуфузли лавозимларни эгаллай бошлаганликларида эди[17, С.155; 16, С.35]. Шу даврда сиёсий жиҳатдан кучли бўлган қипчоқларнинг уруғлари: қулан, элатан, яшиқ, еттиқашқа бўлиб, қулан уруғидан – Мусулмонкул мингбоши, элатан уруғидан – Ўтамбой қушбеги, яшиқ уруғидан – Мирзат, еттиқашқа уруғидан – Маманазар каби хонлик тарихида ўз нуфузига эга шахслар шаклланган эди[17, С.155; 24, С.104].

### **- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).**

Фарғона водийси ҳудудидаги қипчоқларнинг асосий қисми XIX аср бошларида ёқ ўтроқ турмуш тарзига ўтиб, дехқончилик билан шуғулланган. Бироқ, уларнинг аксар қисми XX аср бошларига қадар яrimўтроқ ҳолда яшаб, чорвачиликни дехқончилик билан қўшиб олиб борган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўтроқ қипчоқлар сони кескин кўпайган. Водий қипчоқларининг турмуш тарзидаги бундай ўзгариш, аввало, иқтисодий омиллар таъсирида юз берган. Бу даврга келиб водийда пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, чорвадор аҳоли томонидан ялов сифатида фойдаланиб келинган ерлар дехқончилик учун жадал ўзлаштирила бошланган. Водийнинг яrimўтроқ аҳолиси, хусусан, қипчоқлар чорваси сонининг кескин камайиб кетишига олиб келган. Қипчоқларнинг чорвачилик хўжалигига асосий ўринни қўйчилик ташкил этган. Бундан ташқари, улар йирик шохли ҳайвонлар ва қорабайир отларни етиштирганлар[10, С.16]. Водийнинг шимолий тоғолди зоналарида жойлашган қипчоқ уруғлари эса чорва молларини боқиш билан бир вақтда асосан лалмикор ерларда дехқончилик билан шуғулланганлар.

Ўтроқлашув жараёни қипчоқлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Дехқончилик, хунармандчилик билан шуғулланиш уларнинг маданий тараққиётга эришувида асосий омил вазифасини ўтаган. Ўтроқ аҳолини таъсири натижасида қипчоқлар ҳам шоликорлик ишлари билан шуғуллана бошлаганлар[10, С.41].

Фарғона қипчоқларининг айrim гурӯҳлари ўтроқликка ўтган бўлса ҳам ўзларининг анъанавий турмуш тарзини ва ўзликларини сақлаб қолганлар. Қипчоқларининг иқтисодий ва маданий майший ҳаёт тарзи ўзбекларга яқинлашув жараёни олдин бошланганига қарамай, сингиб кетиши тўла амалга оширилмаган эди. Кейинчалик совет ҳокимияти йилларида Фарғона қипчоқлари ўзбек халқи консолидациясида иштирок этиб, ўзбек номланиши қатъий ўрнатилган.

Ўрганилаётган масала юзасидан статистик материалларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, қипчоқларнинг ўзбек ва қирғиз халқлари таркибиға қўшилиб кетиши XIX аср охири – XX аср бошларида анча жадаллашгани ҳолда уларнинг сонини аниқлашда мураккабликлар туғдиради. Масалан, XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсидаги қипчоқлар сони 70 минг нафар[13, С.326; 19, С.26] деб кўрсатилган бўлса, 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш материалларида уларнинг сони 7,5 минг нафар яъни ўн баробар кам кўрсатилган[18, С.2-3]. 1898 йилги маҳаллий маъмурий маълумотларда қипчоқларни 57 минг нафар деб кўрсатилиб, 1914 йилда уларнинг сонини 68 мингтага ошган деб қайд этилган[21, 22]. Қипчоқларнинг сони 1917 йилга келиб, 42,4 минг нафарга[15, С.42-55; 8, С.145-149] тенг бўлган бўлса, 1926 йилга келиб эса уларнинг водийдаги сони 33,6 минг нафарга тушиб қолган.

Фарғона қипчоқлари 1917 йилги ахолини рўйхатга олишда алоҳида миллат шаклида бўлган бўлса, 1926 йилги рўйхатга улар халқ сифатида кўрсатилган.

Кипчоқлар Фарғона водийсида 84 қишлоқда истиқомат қилган. Фарғона қипчоқларининг аксарияти (62 қишлоқ, 29,4 минг киши) Андижон уездидан - Андижонсой, Норин дарёсининг куйи кисми, Мойлисув ва Қорадарё атрофидаги қишлоқларда яшаган. Айримлари Наманган уездидан худудида (27 қишлоқ, 11,5 минг киши) — Косонсой, Сумсар, Чодак, Подшо Ота, Норин, Гова каби дарё ва сой ҳавзаларида ҳамда Янгиариқ канали атрофида истиқомат қилган[25, С.139-140].

Барча кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор халқлар каби қипчоқлар учун ҳам уруғ – қабилавий бўлиниш характерли бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида водий худудида яшаган қипчоқлар тўрт катта гурухга бўлинган. Булар — қипчоқлар, қирғиз - қипчоқлар, хитой - қипчоқлар ва сарт – қипчоқлар[24, С.116].

Ушбу қипчоқ гурухлари ўз ўрнида бир қанча уруғларга бўлингандар. Жумладан қўғай, буғоч, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, пучугой, элатан, бўғоз, оғим, тоз, сирмоқ, етти қашқа, кутлуксаид, черек, кўкмўйин, тўртайғир, тўртой, товулди, чангроқчи, чиял, қулон, оқбўйра, қорабовур, бошқирт, тикан, қоратикан, сари-қипчоқ, қорамоюн, катта-ўлмас, элатан, яйдоқ, қўйқулоқ, оғин, жикан, тўртойлик, туячи, сарой, ёрбоши, қози каби уруғлари Фарғона водийсида қайд этилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фарғона водийси қипчоқларининг уруғлари ичida энг йириклари бу еттиқашқа, ўлмас, қулон, элатан ва яшиқ этномимлари билан аталувчи уруғлар ҳисобланган[7, С.402; 24, С.143].

### **- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).**

Фарғона водийсида қипчоқ уруғларига номлари билан кўплаб этномимлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти жой номларида акс этган[9, С.44]. Бу номларнинг кўплари бошқа ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ каби туркий тилли уруғ – қабила бирикмалари таркибида ҳам учрайди.

Кипчоқларнинг ўтроқлашиши асосий сабабларидан бири бу улардаги ўзбеклардаги каби кўчманчиларнинг жамоа ўртасидаги табақалашуви ва ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Айни вактда, уларнинг маълум қисми узоқ асрлар давомида ўзининг этник жихатларини саклаб қолган ва ушбу хусусиятлари билан ён-атрофдаги бошқа этнослардан фарқланиб турганлар.

Кипчоқлар XVI асрдан то XX аср бошларига қадар юртимизнинг ижтимоий-сиёсий тарихида фаол иштирок этган қабилалардан бири ҳисобланади. XX асрнинг бошларида Ўзбекистон худудида яшаган қипчоқлар ўзбек халқи шаклланишида иштирок этиб, узоқ вақт давом этган этник ассимиляция жараёнида ўзбек халқи таркибиға қўшилиб кетганлар.

### **-Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References):**

1. Абашин С. Кипчаки Ферганской долины: осколок евразийских степей // Дешт-и Кипчак и Золотая Орда в становлении культуры евразийских народов. Материалы международной научно-практической конференции 10–11 апреля 2003 г. – М., 2003.
2. Абашин С. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века) // Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М., 2004.

3. Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этносларо жараёнлар. – Т., 2005.
4. Абдуллаев У.С. Фарғона қипчоқлари // Тафаккур. – 2006. – №6.
5. Аристов Н.А. Опыт выяснения этнического состава киргиз – казаков Большой Орды и кара-киргизов // Живая старина. – 1894. Вып. III–IV. – С. 432–433.
6. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқодлари ва маросимлари. – Т., 2007;
7. Винников Я.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. – М., 1959. – С.402.
8. Всесоюзная перепись населения 1926 г. – М., 1928. Т.XV. – С.145–149.
9. Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX-начале XIX (по данным топономии). – Т., 1983.
10. Губаева С.С. Населения Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. – Т., 1991. – С. 16.
11. Зарубин И.И. Список народностей Туркестанского края. – Л., 1925. – С.17.
12. Иногамов Ш.И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах Уз ССР. Дис.... канд. ист. наук. – Т., 1959.
13. Костенко Л.Ф. Туркестанский край. Опыт военно-статистического обозрения Туркестанского военного округа. Т.1. – СПб., 1880. – С.326.
14. Кун А. Очерки Коканского ханства // Известия императорского Русского Географического Общества. Т.12. Вып.1. 1876.
15. Материалы Всероссийских переписей Вып. IV. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917г. – Т., 1920. – С. 42–55.
16. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодальное хозяйство Худояр-хана). – Т., 1973. – С.35.
17. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань. 1886.
18. Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. Т. 89. Ферганская область. – СПб., 1904. – С. 2–3.
19. Проект всеподданейшего отчёта Ген-Адъютанта К.П. фон - Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 г 25 марта 1881 г. – СПб., 1885. – С.26.
20. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края А.П. Хорошхина. – СПб., 1876. – С. 42.;
21. Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. – Новый Маргелан, 1905 (Приложение 2. Народонаселение в 1904 году);
22. Статистический обзор Ферганской области за 1914 год. – Скобелев, 1917 (Приложение 3. Ведомость о населении Ферганской области по национальностям за 1914 год).
23. Федченко А.П. Первый отчет туркестанской ученой экспедиции // Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950.;
24. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. – Т., 1974. – С. 104
25. Шаниязов К.Ш. Кипчаки в узбекской этнической среде в дооктябрьский период (Процессы интеграции) // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. – С. 139.
26. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жарёни. – Т., 2001. – Б.77.